



Ishonch

МОХИЯТ

Миллат, Ватан, халқ истиқболи деган муқаддас тушунчалар ҳамма вақт қалбимизнинг тўридан жой олиб, ҳар биримизнинг ҳаётимизда, онгимизда чарх уриб туриши даркор.

Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Ўзбекистон касба уюшмалари ташкилотларида Тараққиётнинг устувор йўналишлари



Президент Ислом Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» ҳамда «Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади» номи маърузалари, ЎзКУФнинг V Курултой қарорлари ҳамда Курултой делегатлари Мурожаатидан келиб чиқадиган вазифаларни фаоллар ўртасида кенг тушуштиришга касба уюшма ташкилотлари томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан ташкил этилган ўқув-семинарда ушбу мавзуда атрофлича фикр юритилди. Унда Марказий кенгашнинг ҳудудий вакиллари, асосий ишдан озод этилмаган касба уюшма кўмиталари раислари иштирок этишди.

Марказий кенгаш раиси Уктам Турғунов Президентимиз маърузалари ҳамда ЎзКУФ V Курултой қарорларидан келиб чиқадиган касба уюшмаларининг долазарб вазифаларига эътиборни қаратди. Шунингдек, тингловчилар пойтахтимиздаги тармоқ касба уюшмаларида тўплаган илғор иш тажрибалари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлишди.

ЎзКУФК ўқув марказида бўлиб ўтган Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг навбатдаги пленуми шу масалага бағишланди.

Касба уюшма фаоллари олдида жиддий вазифаларни ҳал этиш масаласи турибди, — деди унда Марказий кенгаш раиси Маммура Адилова. — Жумладан, айрим корхоналарда меҳнат муҳофазасига етарли эътибор қаратилмаган. Шунингдек, иш берувчилар ва ишчи-ҳодимларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш сув билан ҳаводек зарур.

Маъруза юзасидан Марказий кенгашнинг Фарғона вилояти бўйича вакили Муқаддас Абдуллаева, Жиззах вилояти бўйича вакили Комилжон Ҳақбердиев, Бухоро вилояти бўйича вакили Нодира Алимова, Тошкент шаҳридаги «Файз холдинг» компанияси раис Уринбосари Фуқрат Баратов, «Чинозтекстил» корхонаси касба уюшма кўмитаси раиси Саидкорим Гафоров, Наманган вилоят ободонлаштириш бошқармаси касба уюшма кўмитаси раиси Маҳмуджон Ибрагимов ва бошқалар сўзга чиқиди.

Ўзбекистон савдо ходимлари ва тадбиркорлар касба уюшмаси Марказий кенгашининг II мажлисида Марказий кенгаш раиси Чори Шодиев ҳам юқоридаги мавзуда маъруза қилди.

Маъруза юзасидан сўзга чиққан Марказий кенгашнинг Сурхондарё ва Хоразм вилоятларидаги вакиллари Ҳамид Қўзимуродов, Бахтиёр Ибрагимов, Сардоба туманидаги Кўргонтепа мол бозори касба уюшма кўмитаси раиси Гулзода Ҳамроевалар уюшма олдида турган вазифалар ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Тадбирда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари Элбек Миржўраев қатнашди.

Ушбу мавзуга бағишланган ўтказилган Наманган вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг навбатдаги пленумида юртимизни янада обод қўлига айлантириш, халқимиз фаровонлигини оширишда касба уюшма ташкилотларининг иштирокини кучайтириш ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Шунингдек, кенгашнинг кадрлар билан ишлаш ва ташкилий масалалар, ижтимоий-иқтисодий ҳимоя, меҳнат муҳофазаси ва ҳуқуқий масалалар, маданият-маърифат, жисмоний тарбия ва спорт, соғломлаштириш масалалари бўйича комиссиялар таркиби тузилди.

Юртимизни боғларга буркаймиз!



Андижон

Баҳорнинг дастлабки кунларидан Андижон шаҳар кўкаламзорлаштириш комбинатида иш қизғин паллага кирди.

Бу ерда 7 гектар ер майдони ва 40 сотихлик иссиқхонада гул кўчатлари парваришланиб, ташкилотлар ва фуқароларга йилгига 5 миллион донга кўчат етказиб берилади. 30 минг тўпдан манзарали дарахт кўчатларини экиш қизгин давом этмоқда. 30 нафар ишчи-ҳодимлар меҳнат қилаётган жамоа «Мустақилликнинг 20 йиллигига 20 хил гул кўчатлари етказиб берамиз» шiori остида меҳнат қилмоқда. Ҳозирда икки миллион тўп гул кўчати экишга тахт қилиб қўйилди.

Суратда: иссиқхонада иш қизғин.

Абдуносир ҚўЧҚОРОВ олган сурат.

Фарғона

Вилоятда атроф-муҳитни кўкаламзорлаштириш ва экологик муҳитни соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳи «Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллигига — 20 тўп дарахт меннинг тўғам» шiori остида фаолият кўрсатмоқда.

Штаб аъзолари зиммасига мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча шаҳар ва туманлардаги корхона, ташкилот ва муассасалар, фермер хўжаликлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида, айниқса, йўл бўйларида мева, манзарали кўчатлар экишни ташкил этиш, суғориш тармоқлари атрофини тозалаш каби ишларни ташкил этиш юклатилди.

Янги боғ ва тоқзорлар барпо этиш учун жами 457,2 гектар ер майдони ажратилган.

Шу кунгача вилоятдаги етти мингдан ортиқ фермер хўжаликлари, барча давлат ва нодавлат ташкилотлари, қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинларидаги аҳоли хонадонларида 8 млн. тўпдан ортиқ мева ва манзарали кўчатлар ўтказилди. Фарғона шаҳри, Олтиарик, Қува, Қўлтөпа, Бувайда, Тошлоқ ва Фуқрат туманлари аҳолиси мева ва манзарали кўчатларни экишда бошқаларга ўрнак бўлмоқда.

А.АБДУНАЗАРОВ, АСМ ходимлари касба уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши бўлими мудири

Қашқадарё

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Қарши туман бирлашган кўмитаси таркибиде 87 та муассаса бўлиб, 7002 нафар аъзо бор.

Касба уюшмалари Федерацияси V Курултойи делегатларининг юртимиз мустақиллигининг 20 йиллигига муносиб тўғфа хозирлаш учун боғроғлар яратиб ҳақидаги Мурожаати ҳамма жойда хайрихоҳлик билан кутиб олинди, — деди бирлашган кўмита раиси Илхом Анбиев. — Туманимиздаги 6-сонли мактабгача таълим муассасасида кўмитамиз боғини ташкил этишга қарор қилдик. Шунингдек, Шахрисабз туманидаги Охунбоев номи болалар оромгоҳида кўчат экиш учун ер тайёрлаб қўйилди. Кўчатлар масаласида туман ўрмон

хўжалиги ҳамда боғдорчиликка икти-сослашган хўжалик билан шартнома туздик.

Боғлар оралиғида сабзавотлар етиштириш мақсадида ерга ишлов берилмоқда.

19-ва 23-ўрта мактабларда иссиқхона бўлиб, уларни кенгайтириш бўйича ҳам ҳаракатлар бошланган. Кам таъминланган оилаларга бирлашган кўмита ва ҳомий ташкилотлар томонидан мева ва манзарали кўчатлар етказиб бериш чоралари қўрилмоқда.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Кўклам нафаси ўқувчиларимиз томонидан йўлланган мактублардаги илиқ ҳароратдан ҳам сезилиб қолди.

«ISHONCH» хаткутисида

Баҳорнинг илк ҳафтасида тахририятимизга келган 22 та хатда юртимиздаги ҳар бир гўшада кишиларнинг байрамона кайфияти, қайноқ ҳаёт ташвиши билан бандлиги акс этган. Кичик хабардан тортиб илмий мақола-ю бадий ижод намуналаригача бахорий ўзгаришлар, уйғониш фасли билан боғлиқ ҳолатлар, янги кун тараннуми ўз ифодасини топган. Янгиланиш ва яшарий айёмда муштарийларимизнинг ўзгача руҳ ва кайфиятда газетамиз билан ижодий алоқа ҳамда ҳамкорликни давом эттиришига тилакдошимиз.

Кеча ЎзКУФК ўқув марказининг мажлислар залида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг III пленуми бўлиб ўтди.

Унда Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги ҳамда 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011



Ижтимоий шериклик — давр талаби

Йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузалари, шунингдек, Федерациянинг V Курултойи қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда касба уюшмаларининг ўрни масаласи атрофлича таҳлил қилинди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила Нарбаева ўз маърузасида мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар, йўлга қўйилган кучли ижтимоий ҳимоя таъминлари тиббиёт ходимлари зиммасига жиддий масъулият юклаши ҳақида батафсил тўхталиди. Шунингдек, ижтимоий шерикликни янада мустаҳкамлаш, тиббиёт хо-

сақлаш вазирлиги раҳбарияти билан Марказий кенгаш аъзоларининг учрашувларини уюштириш, хусусий секторда фаолият юритаётган тиббиёт ходимларининг меҳнат шартларини яхшилаш, бундай муассасаларда ҳуқуқий мавзудаги тадбирлар уюштириб бориш, тармоқ касба уюшмаларининг зарур техникалар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили касба уюшмаларига тиббиётнинг хусусий секторига фаолият олиб бораётган муассасаларда бошлангич ташкилотларни шакллантириш, уларда меҳнат қонучилиги талабларига жавоб берадиган жа-

моа шартномаларини имзолаш, ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда катта масъулият юклайди, — деди муҳокама этилаётган масала юзасидан сўзга чиққан Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси кенгаши раиси Муҳаббат Давлатёрова. — Олдимизга қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун эса тиббиёт бошқармалари билан ижтимоий шерикликни ривожлантириш, давлат дастурлари ҳамда Концепцияда кўрсатиб ўтилган талабларни бажарилишига алоҳида эътибор беришимиз лозим.

Улуғбек ИБДИНОВ, «Ishonch» мухбири. Иқром ҲАСАНОВ олган сурат

Ўзбекистон касба уюшмалари ташкилотларида Тараққиётнинг устувор йўналишлари

Қашқадарё вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан Миришкор туманида ўқув-тренинг ташкил этилди.

Ўқув-тренинг давомида тингловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб олишди. Шунингдек, уларга «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун ва Меҳнат кодексига киритилган ўзгаришлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Бухоро вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг учинчи мажлисида ушбу йўналишдаги масалалар муҳокама қилинди.

Меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш доирасини кенгайтириш муҳим вазифаларимиздан биридир, — деди бирлашма кенгаши раиси Бибиражаб Муҳамедова ўз маърузасида. — Жойларда жамоа шартномалари, келишувларнинг ҳуқуқий жиҳатларини мустаҳкамлаш, меҳнаткашларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг шарт-шароитларини янада яхшилашда ҳамўртинликни кучайтириш лозим.

Шунингдек, сўзга чиққанлар масалага оид ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзоси С.Ҳамроев иштирок этди.

Жиззах вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг навбатдаги йиғилишида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси V Курултойи ҳамда Федерация кенгаши II мажлиси қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Кенгаш раиси Н.Пардаев ҳамда музокарада сўзга чиққанлар Президентимизнинг маърузаларидан келиб чиқадиган вазифаларга алоҳида тўхталиди.

Йиғилишда вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг тадбирлар режаси тасдиқланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Тошкент вилояти кенгашининг II пленуми жуда жонли ўтди.

Президентимиз томонидан мамлакатимизни ривожлантириш Концепциясида белгилаб берилган 6 та йўналиш жамиятнинг ҳар бир аъзоси ва солаверса, касба уюшмаси фаоли қилатишда менга ҳам жуда катта вазифалар юклатди, — дейди Пискент туманидаги «Аҳмедов Илхом» фермер хўжалиги раҳбари Илхом Аҳмедов. — Ҳўжалигимиз истиқлол тўғрисида ташкил топган. Уйлайманки, жавоб ҳам шунга яраша бўлиши керак.

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши тизимидаги фаолларнинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Тошкент кимё технологияси институти проректори М.Қорахўжаева, УзМУ ходимлари касба уюшма кўмитаси раиси А.Холмирзаев, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси А.Каримова Президентимиз маърузалари ва Федерация V Курултойи қарорларидан белгиланган вазифалар хусусида атрофлича сўз юритишди.

Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгашининг III пленумида ҳам шу масалада фикр алмашилди.

Кенгаш раиси Илхом Сабдаров сўзга чиқиб, Концепциянинг мазмун-моҳияти, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури юзасидан амалга ошириш лозим бўлган ишлар юзасидан, шунингдек, ЎзКУФ V Курултойи қарорларини ҳаётга татбиқ этишда агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси вилоят ташкилоти олдида турган вазифалар тўғрисида батафсил тўхталиди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар маданият ходимлари касба уюшмаси кенгаши, «Фарбгазтаъминот» унитар корхонаси касба уюшма кўмитаси, Чилонзор туман халқ таълими бўлими ҳамда таълим ва фан ходимлари туман бирлашган касба уюшма кўмитаси томонидан ушбу масалага бағишланган тадбирлар ўтказилди.

Корхона касаба уюшма кўмитасининг йиллик фаолиятига бағишланган йиғилиш. Бир вақтлар баҳс-мунозараларга бой тарзда кечадиган йиғилиш сўнгиди, одатдагидек, ишчиларнинг муаммолари, таклифлари билан қизиқилди. Бутун зал сув қуйгандек жим-жит. Раиснинг кўнгли бирдан «шиғ» этиб кетди: «Наҳотки, менга ишончлари қолмади? Лоақал, бир киши муаммосига ечимни кўмитадан сўрамаса?! Ёки...» Орқароқда ўтирган бир ишчи қўл кўтаргандек бўлди: — Муаммо-ку йўқ, менимча. Аммо бир таклиф бор эди. Бу — кўпчиликнинг фикри. Худого шукр, барчамизнинг шахсий машина сотиб олишга қурбимиз етади, аммо қачонгача салонларда навбат кутиб сарғаямиз?.. Бунинг бирор чораси излаб топилса, яхши бўларди. Раиснинг юзига алланечук нур югурди: демак, аъзолари ҳар тарафлама хотиржам, фаровон яшашмоқда. Илоҳим, шундай эзгуликка йўғрилган «муаммолар» кўпаяверсин.



«ЎЗМЕТКОМБИНАТ» АИБ.

ИҚТИСОДИЙ барқарорлик, модернизациялаш истиқболлари

Мамлакатимиз оғир саноатининг улкан корхоналаридан бири — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси 2009 йилда 65 ёшга тулди.

Минтақада яна бўлган қора металлургия корхонаси ўзига хос тарихий йўлни босиб ўтди. Шу кунларда комбинат мамлакат иқтисодига, жамиятнинг ижтимоий барқарорлигига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бу ерда ишлаб чиқариш ва маҳсулот турлари узлуксиз кенгайиб бормоқда, юқори сифатни таъминлаш асосий мақсадга айланган.

Импоррт қилинадиган маҳсулотлар ҳажми ва таркибини тизимли равишда таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш, мамлакатимизда рақобатбардор, экспортбор маҳсулотлар тайёрлашни қўлайтириш, ички тармок ва тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш ўзбекистон иқтисодига юксалишининг юқори суръатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2007 йил 12 ноябрдаги «Ички тармок ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда 2010 йил 23 мартда имзоланган «2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида»ги қарори бу борада дастуруламал бўлиб хизмат қилаётди.

Хўкуматимизнинг доимий эътибори ва қўллаб-қувватлаши туфайли «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси Бозор иқтисодиёти шароитида ҳўжалик юритиш таърибасини бойитмоқда ҳамда ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш ва маҳсулотини жаҳон бозорига олиб чиқиш бўйича узоқ муддатли дастурни изчил амалга ошираётди. Бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, таннархни пасайтириш, сифат ва рақобатбардорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Комбинатда замонавий технологиялар ва ускуналарни харид қилиш орқали ишлаб чиқариш босқичма-босқич модернизация ва реконструкция қилинаётди, техник қайта жиҳозланмоқда, ходимлар ўқитилиб, уларнинг малакаси оширилмоқда.

«Ўзметкомбинат» АИБ рангли металлургия корхонаси — тўлиқ технологик жараёни корхона бўлиб, унинг лойиҳа қуввати йилга 4000 тоннагача ҳар хил техник маҳсулотларга мўлжалланган ўрамдаги тасмалардир.

Корхона Европа фирмаларининг (Австрия, Германия, Италия, Швейцария) энг замонавий ускуналари билан таъминланган.

Комбинат томонидан 2010 йилнинг ўзига 632,5 миллиард сўмлик маҳсулот, шундан 717,4 миң тонна пўлат, 691,6 миң миң тонна тайёр прокат ва қўймаги 19,1 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди.

Пўлатдан сирланган идишларни ишлаб чиқариш цехи 34 номдаги маҳсулот ишлаб чиқаради.

Ишлаб чиқаришнинг самардорлигида етакчи фирмаларнинг техник асосби ускуналари билан жиҳозланганлик қўл келмоқда. «АIDA» фирмасининг пресс автоматлари, ноқсимон буюмларни ишлаб чиқариш роботлаштирилган маҳмуалари, «Silezia» фирмасининг кимёвий ишлов бериш агрегатлари, пайвандлаш автоматлари, «Moneta» фирмасининг сирланган автоматлари шулар жумласидандир. Ишлаб чиқариш пўлатдан сирланган идишларни тайёрлашдан то уни қоплаш ва жуънатилган бўлган технологик жараёнлардан иборат.

2009 йилда иккита янги сирланган пўлат буюмлар — сизими 2,5 литр бўлган чойнак ва кастрюль ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

«Ўзметкомбинат» АИБ 2010 йил бошидан бўён неча турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўлаштирди. Темпр-бетон, металл конструкцияларда қўлланладиган ёйилган ва тенг бурчакли пўлат, маҳсус қолламали пайвандлаш электродлари, металл листларни кўчириш учун юк кўтаригч электр магнитлар, қора металл қўймаси ва парчаларини кўтариш механизмлари чиқарила бошлади.

Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ, ўтган йилда «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан 27 та лойиҳа бўйича 133,4 млрд

сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Ўзбекистон Президентининг 2009 йил 12 мартда қабул қилинган «2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технология қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси 2-прокат цехида «300» дастохининг электр ускуналари ва автоматлашган бошқарув тизимини модернизация қилиш лойиҳаси якуланиди. Бу ўз навбатида, тизимларнинг ишончли фаолиятини таъминлаш, металл ёйдан дастох унумдорлиги ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш имконини бериб.

Тайёрланган ва келтирилган ускуналар учун пойдевор қурилмадан яратилди. «Ўзметкомбинат» Швейцариянинг «Nobag Nobis Engineering AG» фирмаси вақилари билан ҳамкорликда таъмирлаш, ишга тушириш-созлаш ишларини амалга оширди, ходимларни ўқитди ва таърибма-саноат синовларини ўтказди. Бирлашма автомобил саноати учун дастлабки маҳсулот — мис ва латуң халқлар ишлаб чиқармоқда. Пўлат эритиш ва прокат ишлаб чиқаришда эскирган ускуналарни алмаштириш бўйича лойиҳа ҳам якуланиш арафасида турибди.

Жорий йилда «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси муҳим конструкцияларда фойдаланиш унум мўлжалланган ишчи-ҳодимга тенг полкали бурчаклар, турли хил латуң ва мис лентли радиаторлар ҳамда электр энергиясини камида 5 фоиз тежаш имконини берадиган кўп функцияли мосламаларни ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

Шунингдек, эскирган блокни замонавий ҳаво тақсимлаш қурилмаси билан алмаштириш лойиҳасининг амалга оширилиши металл эритишни 60 дақиқадан 55 дақиқачага қисқартириш ва йилга 3,8 миллион долларга яқин маблағни тежаш имконини беради. Ушбу қурилма ишга туширилиши билан комбинатнинг кислород, суяқ, кислород, азот ва аргонга бўлган эътиборини таъминлаш сезиларли даражада яхшиланади.

Ма-салан, аргон пўлатни ҳаво ёрдамида тозалашда қўлланилади ва бунинг натижасида янада сифатли пўлат тайёрланади.

Мазмурият ва касаба уюшма кўмитаси мавжуд жамоа шартномаси асосида ишчи-ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий маънафатларини ҳимоялаш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, иш ўринлари хавфсизлигини таъминлаш, ходимларнинг турмуш шароитини ўрганиш ва кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш, меҳнат муҳофазаси каби бир қатор йўналишларда ижобий ишларни амалга ошириб келмоқда.

Комбинатда ўтган 2010 йилда 168 та янги, шу жумладан, 53 та касаначилик иш ўринлари ташкил этилди.

Корхонада касаначиликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилади. Ишлаб чиқаришнинг ушбу шакли йилдан-йилга ривожланмоқда ва кўлами кенгайиб, маҳсулот тайёрлаш ҳажми ошиб бормоқда. Бугун касаначилик бўлимида 162 нафар ишчи фаолият кўрсатмоқда ва улардан 138 нафари аёллардир. Улар корхона ишчиларига маҳсус иш кийими тайёрлаш бурюмларини муваффақиятли бажармоқда, боғчалар, санаторий-профилакторийларга, Меҳрибонлик уйига нон маҳсулотлари тайёрлашмоқда. Шу йилнинг икки ойи мобайнида ушбу соҳа маҳсулотлари 78 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб, истеъмолчиларга етказиб беришди. Бу корхона ва ушбу бўлимда меҳнат қилаётган аёллар учун сезиларли молиявий кўмақдир.

Меҳнатнинг ушбу кўриниши аёлларга ўз оиласига, бола тарбиясига етарли даражада эътибор берган ҳолда пул ишлаш имкониятини беришмоқда.

МАЛАКЛИ МУТАХАССИСЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Ишчи ва мутахассислар асосан мамлакатимиздаги олий ўқув юртралида тай

ёрланади. Шунингдек, Бекобод профессионал-саноат коллежи ва техник-иқтисодий коллежи билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Талабалар ва коллеж ўқувчилари ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётини комбинат цехларида ўташади. Бу эса уларни касбга тайёрлаш сифатини оширади.

Ўтган йилда комбинатта 74 нафар олий ўқув юрти, 59 нафар коллеж битирувчиси ишга жойлаштирилди.

Металлургиянинг касб маҳоратини ошириб бориш ўқув маркази мисалда. Раҳбар ва мутахассисларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ўқув юртралида амалга оширилади. Маҳсулотларга республикаимизнинг етакчи мутахассислари таклиф этилмоқда.

— Коллежimizда 168 нафар мурабий 1344 ўқувчига сабоқ бериб келмоқда, — дейди Бекобод саноат касб-хўнара коллежи директори Бахтиёр Қурбанов. — Комбинат билан мустаҳкам алоқа йўлга қўйилган. Корхона доимий равишда билим юртимизни қўллаб-қувватламоқда. Ўтган йили коллежини жорий таъминлаш учун 100 млн. сўмлик хомийлик маблағи ажратилди. 10 нафар кам таъминланган оила фарзандларига стипендия ажратилди. 34 нафар ўқувчи



га бепул, 41 нафар ишчи-ҳодимга соғлигини тиклаш учун санаторий-профилакторийга йўлланма берилди. Коллеж ва корхона ўртасида «Шериклик муносабатлари тўғрисида»ги низоом ишлаб чиқилган. Унга қўра, корхонанинг етакчи мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш бўйича ўқув дастурлари яратилди. Мазкур низоомнинг 15-бандига асосан, ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган битирувчиларга корхона томонидан белгиланган тариф асосида иш ҳақи тўлаш режага киритилган. 2010-2011 ўқув йилида 2-босқич ўқувчиларидан 384 нафар, 3-босқич ўқувчиларидан 300 нафари ўқув-ишлаб чиқариш амалиётига қабул қилиниб, улардан 250 нафарига олийк маоши ажратилган. Коллеж қошида кичик корхона ташкил этилган. Ўқув амалиётини самарали ташкил этиш мақсадида ўқув ишлаб чиқариш устaxonасига 7 млн. сўмлик иш кийимлари ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш учун ҳам ашё ажратилмоқда.

БУЮК МИЛЛАТ АЁЛИНИ ЭЪЗОЗЛАЙДИ

Кўп йиллар мобайнида комбинатда минглаб ишчилардан иборат меҳнат жамоаси — елкама-елка туриб меҳнат қилаётган эркаклар ва аёллардан иборат ташаббускор, интизомли ва масъулиятли кишилар жамияти шаклланди. Албатта, сон жиҳатидан аёллар камчилигини ташкил қилади ва бу ўз-ўзидан тушунарли. Ахир, металлургия — меҳнати оғир, эркакларга хос бакувватликни, матонатни талаб қилувчи соҳа. Шу сабабдан, қайноқ цехларда ишлаш асосан уларнинг зиммасида.

ХАВФСИЗ МЕХНАТ ШАРОИТИ

Касаба уюшма кўмитаси ва унинг меҳнатни муҳофазаси қилиш ҳамда экологик муаммолар комиссияси Металлургия ва машинасозлик саноати тармоклари ҳодимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг меҳнат жамоаларида меҳнат муҳофазаси ва хавфсиз иш шароити яратилиш назорат қилиш бўйича кўриқларида фаол иштирок этмоқда.

Касаба уюшма президиуми ҳамда корхона мазмуриятининг қўша қарори билан «Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотта энг кам маблағ сарфлашда жароҳат ва ҳалокатсиз юқори самарали меҳнати учун», «Меҳнатни муҳофазаси қилишда энг яхши масъул шахс», «Меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича энг яхши кабинет-бурчак»,

«Корхонанинг энг яхши мурабийи» каби кўриқ-танловлар мунтазам равишда ўтказиб келинади.

«Меҳнатни муҳофазаси қилишда энг яхши масъул шахс» кўриқ-танловининг асосий шарти ўз номзодини тавсия қилган жамоа меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича режалаштирган барча тадбирларни бажариши ва ишлаб чиқаришда юқори маданиятни қўллаб-қувватлашдан иборат. Шунингдек, ушбу жамоа фаолият кўрсатаётган ҳудудда бахтсиз ҳодисалар юз бериб қўйилган бўлиши лозим.

Меҳнатни муҳофазаси қилиш кабинет-бурчакларини кўргазмали ташвиқотлар қўлланган ҳолда жиҳозлаш бўйича қилинган ишлар меҳнатни муҳофазаси қилиш ва хавфсизлик техникаси профилактикаси ишларини яхшиланганига сабаб бўлмоқда.

Корхонада амалда бўлган буйруққа биноан, цехларда бошқарувчилар, мутахассислар, цех врачлари ва корхона касаба уюшма кўмитаси вакили иштирокида йиллик ўтказиладиган тиббий кўриқлари доирасида Врач-инженерлик бригадаси (ВИБ) текширувлари ўтказилмоқда. Текширув натижасида ўтказилган ВИБ йўриқномаси (кўрсатмаси) асосида далолатнома тузилади ва таркибий бўлинмада

меҳнат шароити билан боғлиқ эмас. Шунчаки, аънағана кўра ишдан ташқари бола тарбияси, ўй ҳўжалиги билан шуғулланиш ва бошқа қўллаб ишлар ҳам уларнинг зиммасида. Лекин буларнинг барчаси аёлларимизнинг юқори даражадаги касбий тайёрликка эга бўлишига, чин дилдан, юқори савияда ўз вазифаларини бажаришига тўсиқ бўлмайди.

— Корхонадаги ҳар бир цех, ҳар бир ҳудудда аёллар меҳнат қилишади, — дейди комбинат касаба уюшма кўмитаси раиси Илоҳ Қурбанов. — Таркибиди аёллар сони кўпчилиги бўйича етакчилик қилувчи цехларимиз ҳам мавжуд — булар мактабгача таълим муассасалари, халқ истеъмоли моллари бўлими, касаначилик бюроси ва бошқалардир.

Замонавий жиҳозлар, йўлга қўйилган технологиялар халқ истеъмоли моллари цехида ишлаб чиқарилган турли хилдаги маиший моллар — мийлар, металл буюмлар, симтўр, электродлар ва албатта, эмалланган идишлар сифати юқори бўлишини таъминламоқда. Кундулик турмушда зарур бўладиган ушбу молларни 763 кишидан иборат жамоа яратди. Улардан 321 нафари аёллардир. Уларнинг асосий қисми эмалланган буюмлар ишлаб чиқариш билан машғул. Маҳсулотлар

ассортиментининг доимий кенгайтирилиб, кўриниши мукамаллаштириб борилаётгани туфайли уларга талаб катта. Маҳсулотни тарқатиш бозори эса бегўхотдан кенгаймоқда. Ҳозирги кунда ўттиздан ортик эмалланган пўлат маҳсулотлари шу цехда ишлаб чиқарилади. Ишчилар ёрқин беэаклар ҳамда тасвирий санъат усталарининг турли мавзуларда яратилган асарларини қўлланган ҳолда харидорларнинг талаб-истакларини қондиришига ҳаракат қилишмоқда.

Маҳсулотлар юқори сифати, қўлайлиги ва ёрқин беэаклари, тежамлилиги ҳамда экологик тозаллиги билан харидорлар диққатини жалб этмоқда. Бир суз билан айтганда, цех ишчилари маҳсулотлар турини кўпайтириш, уларнинг сифатини ошириш йўлида доимий изланишлар олиб боришмоқда, қўйилган вазифа ва режаларни муваффақиятли амалга оширишмоқда.

ИШЧИ АЁЛЛАР ФАРЗАНДЛАРИДАН ХОТИРЖАМ

Металлургиянинг икки миңдан ортик фарзандлари корхонанинг 10 та мактабгача таълим муассасасида тарбияланмоқда. Ушбу муассасаларда бўлуси ўқувчиларни тарбиялаш, соғломлаштириш, мактабга тайёрлашни учун барча шароит яратилган.

Бугунги кунда корхонанинг мактабгача тарбия муассасаларида 687 нафар ҳодим меҳнат қилади. Улардан 644 нафари аёллар. Тарбиячилар болаларнинг ички имкониятларини юзага чиқаришда, қобилиятларини йўналтиришда.

СОҒ ТАНДА — СОҒЛОМ АҚЛ

Корхонада ишчи-хизматчилар, уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, маданий-маърифий йўналишдаги ишларга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

— Жумладан, ўтган йилда янги, замонавий, йил давомида тўлиқ хизмат кўрсатадиган «Ешлик» болалар соғломлаштириш оромгоҳида 11 мавсум давомида 2733 нафар ўғил-қиз дам олди, — дейди касабақўм раиси Илоҳ Қурбанов. — Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан 120 нафар бола хордиқ чиқарди.

Учта ёпиқ зали, ҳар бир залига 500 томошабин সিғадиган сузиш ҳавассини ўз ичига олган «Ешлик» ёпиқ спорт-соғломлаштириш мажмуаси қурилди. Айни пайтда 15.000 томошабинни бағрига жойлай оладиган футбол майдони қурилиши бошланган.

Металлургия маданияти саройи 200 дан ортик аъзога эга. Бу ерда 15 та бадий ҳаваскорлик тўғараги ишлаб турибди.

«Мет.Ко» кувноқлар ва зукколар жамоаси, «Стартин» гуруҳи, «Любава» халқ ансамбли, «Шодиёна» фольклор ансамбли концерт дастурлари билан санъат илосманчлари эътиборига сазовор бўлмоқда.

Ўтган йили Тошкент Давлат консерваториясида бўлиб ўтган «Ўзбекистон,

сони қўлайман!» кўриқ-танловида маданият саройининг чолу асбоблари бадий ҳаваскорлик тўғараги иштирок этди ва Шароф Мирзахмедов фахрли 2-ўринни эгаллади. Дилшод Мирзаев раҳбарлигидаги «Мерос» карнайчилар гуруҳи чиройли чиқишлари учун диплом ва қимматбахо совғалар билан тақдирланди.

«Стартин» болалар эстрада гуруҳи Болгарияда ўтказилган халқаро фестивалда қатнашди ва фахрли 2-ўринни эгаллади. Ноябрь ойида эса «Россия» марказий давлат залида ҚВЗ бўйича «МДХ давлатлари кубоги»да «Мет.Ко» жамоаси аъзолари Ўзбекистон терма жамоаси таркибиди иштирок этди.

Ўтган йилда «Ўзметкомбинат» АИБ жисмоний тарбия ва спорт ишлари жамоаси комбинат меҳнатқилар ҳамда уларнинг оила аъзоларини спорт ва жисмоний тарбия билан доимий равишда шуғулланишга жалб қилишга йўналтирилган кўпсонли жисмоний соғломлаштириш ва оммавий спорт тадбирларини ўтказди.

ЯНГИ БОҒЛАР ГУЛЛАМОҚДА

Бугун «Ўзметкомбинат» АИБ — минтақадаги йирқи, ўз маҳсулот ишлаб чиқариш қобилиятини йилдан-йилга ошириб бораётган корхона бўлиб, у модернизация, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, маҳсулотларни маҳаллийлаштириш дастурларини муваффақиятли амалга ошириб келмоқда. Корхонада янги технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш ва юқори сифатли рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни экологик муаммоларни бартараф қилиш масалалари билан тўғридан-тўғри боғланган. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш билан бирга, корхона ушбу жараёни атроф-муҳитга зарарли таъсирини мумкин қадар камайтиришга интилоқда. Шунингдек, жорий йилда корхонада 96 та табиятнинг муҳофазаси қилиш тадбирлари ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, улардан 43 таси сув ҳавзалари муҳофазаси, 25 таси ҳаво муҳити, 28 таси ёр ресурслари ва ўсимлик дўнёси муҳофазасига бағишланади.

Атроф-муҳит тозаллигини таъминлашда корхонанинг экология бўлими муҳим ўрин тутди. У.Рўзमतов раҳбарлигидаги бўлим зарарли моддаларнинг атроф-муҳитга чиқарилишини қатъий назорат остига олган. Шунингдек, бўлим нефт маҳсулотларининг Сирдарёга ташлинишини олдини олиш билан боғлиқ чора-тадбирларни ҳам амалга оширди.

Атроф-муҳитни муҳофазаси қилишда «ишлик» ҳудудларни ёпиқсиз кенгайтириш чоралари муҳим ўрин тутди. Ишлаб чиқариш режаларини сифатли бажариш билан бирга, металлургия маҳорат ва пухтаклик билан цехларга тегишли ҳудудларни қўламалилаштириб, фазиз киритилмоқда. Бириктирилган ҳудудларни ободонлаштириш ишлари бево-сарти корхона ҳудудида, шунингдек, корхонага тегишли ижтимоий-маданий ҳамда спорт тадбирларини ўтказишга мўлжалланган бинолар ҳудудида амалга оширилди. 2011 йилги дарахт ўтказиш кампанияларининг тўлақонли ва муваффақиятли ўтказилиши корхона экология бўлими томонидан алоҳида назорат остига олинган.

Корхонанинг бугунги қиёфаси сайилгоҳ-ҳиёбонга эслатади. Ҳар тарафда гулқоналар жойлаштирилган, чиллар ётқизилган, турли-туман манзарали дарахтлар ва гуллар экилган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси V Қурултойида қабул қилинган, ҳар бир ватандошимизнинг 20 тугдан дарахт ўтказиши тўғрисидаги Мурожаати корхона ишчилари томонидан қизгин кутиб олинди. Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган ташаббус чўқур тарихий асосга эга ҳамда халқимизнинг қадимий урф-одатларига хосдир. Зотан, «Мўком борки, ҳамма жойда боғ яратинг» деган эди сохиқирон Амир Темур. Ушбу аънага халқимиз ҳаётида чўқур ўрин олди ва асрдан-асрга, авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Бундан кейин ҳам давом этади. «Ўзметкомбинат» АИБда бу борада амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ҳам бунинг ёрқин мисолидир.

Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ, «Ishonch» мухбири

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — тараққиётимизнинг ҳаракатлантирувчи кучи



SURXON-TERMIZ SILK KORXONASI

Термиз шаҳрига ташир буюрган киши ўзига хос меъморий ечимга эга бўлган муҳташам иморатлар қад ростлаётганига гувоҳ бўлади. Сабаби — барпо этилаётган кўп қаватли уй-жойлар лойиҳаси халқимизнинг ўзига хос менталитетга мос равишда ишлаб чиқилаётди.

Воҳамиз чирой очмоқда

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилдаги 1167-қарори асосида алоҳида типдаги 3, 4, 5 хонали уй-жойларни маҳаллий иқлим шароитига асосланган ҳолда тақдим этилган. Бунда «Қишлоқ қурилиш бош лойиҳа» масъулият чекланган жамиятининг лойиҳалари қўл келмоқда. Шунингдек, ҳукуматимиз-

нинг 2010-2011 йилларда воҳани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури асосида соғлиқни сақлаш, болалар спорт иншоотларини лойиҳалаштириш. Маълумки, шу йилнинг баҳоридан анъанавий «Барқарор авлод» беллашувлари Термиз шаҳрида ўтказилди. Унга тайёргарлик доираси-

да барпо этилаётган қатор иншоотлар бинолар тезкорлик билан қад ростламоқда. Корхонамизда истеъдодли муҳандис-меъморлар, мутахассислар меҳнат қилишади. Отабек Қиличев, Елена Қодирова, Олга Сторожко, Нодира Мамаражапова, Нина Ризаева, Светлана ва Ирина Потехиналар, Файрат Менглиев

жамоамизнинг фахри ҳисобланади. Кези келганда, барқарор меҳнат қилиш учун бошланғич қасба уюшма қўмитаси билан тузилган жамоа шартномаси муҳим аҳамият касб этиётганини таъкидлаш лозим.


Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ҳам тажриба, билим ва заковатимизни воҳамиз қиёфасини яшартириш ҳамда яшнатишга бахшида этамиз.

Муҳаммадиси ОДИНАЕВ, Термиз шаҳридаги «Уйжойсаноатқурилиш» лойиҳалаш хусусий корхонаси директори

Олтинсойнинг ориятли йигити

Олтинсой туманининг «Қорлик» маҳалласида яшовчи тракторчи Равшан ака турмуш ўртоғи Жумалоҳ опа билан 8 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Уларнинг ҳар бири бугунги кунда эл-юртга нафи тегаётди. Уғиллардан бири Сулаймон юртимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида ноқуруқ тадбиркорлик билан шуғулланиб, ишбилармонлиги орқасидан катта муваффақият қозонди.

Корхонамиз асосан гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланади. Бугунги кунда 16 турдаги арзон ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Колбаса, ярим дудланган, димланган колбасалар, сосиска, сарделка каби маҳсулотларимиз аллақачон харидорини тоғиб улгурди.



Термизда ишлаб чиқарилган

Мен раҳбарлик қилаётган цехда 10 киши меҳнат қилади. Ҳар ойда 10 тоннадан ортиқ гўшт маҳсулотини қайта ишлаяпмиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили биз учун катта имкониятлар эшигини очди. Қувончлиси, Термиз шаҳрида янги корхона қуришимиз учун ер ажратилди. «Микрокредит» АТ банкнинг шаҳар бўлимидан 75 млн. сўм кредит олиш арафасида турибмиз. Корхонамиз тўла қувват билан ишлаш бошласа, янги иш ўринлари очилади. Мухими, сифатли маҳсулот етказиб, элимизни хушнуд қиламиз. Мўъжазгина цехимизда ишчилар учун ҳамма шароит яратилган. Ойлик маошнинг вақтида олиб турибмиз. Очиғи, ўзимиз тайёрлаган маҳсулотларнинг «Термизда ишлаб чиқарилган» ёрлиғи билан сотувга чиқарилганини кўриб, чарчоклар унут бўлади. Махсуситло КАРИМОВ, «Сурхонкапитал» қурилиш МКО МЧЖ цех бошлиғи

Имтиёз

«Хумо» кичик корхонамиз 1998 йилдан буйн барқарор ишлаб келаяпти. Жамоамиз атиги 5 нафар кишидан иборат. Бироқ ишлаб чиқараётган маҳсулотимиз ҳажми ва даромад миқдори салмоқли.

Корхонамиз ҳар куни аҳолидан, тумандаги фермер хўжалиқлари ва чорвачилик билан шуғулланаётган мулкдорлардан сўт қабул қилиб, уни қайта ишлайди. Аҳоли эҳтиёжи учун бир неча турдаги маҳсулот тайёрлаб сотувга чиқарамиз. Мисол учун, кефир, творог тайёрлаш кишин-ёзин давом этса, ёз фаслида музқаймоқ ишлаб чиқарамиз. Сўнгги йилларда шахсий хонадонларда чорвачилик ҳар томонлама равнақ топди. Аҳолига чорвани кўпайтириш учун имтиёзли кредитлар ажратилаётгани, ҳар бир кишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудда омухта ем шохчалари очилгани ва бу жойларда мудом кунжара-шрот, кепак сотилаётгани, шунингдек, ветеринария пунктларининг намунали фаолият кўрсатаётгани туфайли ҳар бир хонадонда 3-4 бош қорамол боқиш имконияти ўзага келди. Бундан унумли фойдаланиб, қайта ишлаш шохобчамизни ривожлантириб олдик. Утган йилда 70 млн. сўмдан ортиқ даромад қилдик. «Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш



юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарорига кўра чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган корхоналарга солиқ тўлашда қатор имтиёзлар берилгани ишмиизнинг янада ривожланишига ҳисса қўшяпти. Масалан, сўтти қайта ишлаш эвазига ўтган йили ишлаб топилган даромаддан 4,9 млн. сўм солиқ тўлашимиз керак эди. 50 фоиз имтиёз туфайли кичик корхонамиз 2 млн. 450 минг сўм солиқ тўлади. Тежалган маблағни эса корхонамизни ривожлантириш, янги технология харид қилиш ва ишчи-хизматчиларни рағбатлантиришга сарфлаймиз. Бу бизга ўшмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганларга катта маддадир.

А. МАМАТУРОВА, Жарқўрғон туманидаги «Хумо» кичик корхонаси раҳбари

Кредит шарофати билан

Туманимиз азалдан хунарманду касиб, қўлигул чеварлар маскани ҳисобланади. Ун йилдан буйн фаолият кўрсатиб келаятган кичик корхонамиз асосан ўқув муассасалари учун меبل жиҳозлари тайёрлашга ихтисослашган.

Бугунга келиб 12 нафар уста мактаб ва болалар боғчаларига мўлжалланган меبل жиҳозлари ясаш билан бирга, идора ва офислар учун стол-стул ва зарур анжомлар тайёрламоқда. Юксак эътибор ҳамда берилаятган имтиёз ва энгилликлар жамоамизнинг иқтисодий қувватини оширишга хизмат қилаётди. Фаолияти-

мизда сифат ва самарадорлик ортмоқда. Бу, аввало, ишлаб чиқариш жараёнига замонавий дастгоҳ ва ускуналар олиб кирилятганилиги, шароитлар яхшиланиб, манфаатдорлик ошиб бораётганлиги самарасидир. Зокир Норбоев, Урол Шоймуқлов, Отабек Ҳамроев каби қўлигул хунарманд усталирининг ёғоч тахта ва

банкнинг Бойсун туман бўлимидан 100 млн. сўм миқдорда кредит олдик. Ушбу маблағдан корхонамизнинг иқтисодий қувватини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги иш ўринлари очиш ҳамда зарур хом ашё ва металллар сотиб олишда фойдаланяпмиз. Шу билан бирга, уста-касиб ва мутахассисларимизнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга эътибор қаратилмоқда. Ёқуб ТўРАҚУЛОВ, Бойсун туманидаги «Хуршид» кичик корхонаси раҳбари



Саҳифани «Ishonch» муҳбири Рустам ДАВЛАТОВ тайёрлади

«РОУТАХТ АУКСИОН» ДУК 2011 йил 14 апрел куни аукцион савдоларини ўтказди

Савдоларга Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Раим Солиев кўчаси, 7-а-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармаси балансидаги 1993й.и.ч, д/р 10BA801, бошланғич нархи 3 014 918 сўм ва 1993й.и.ч, д/р 01/971YAA, бошланғич нархи 5 093 797 сўм бўлган 2 та «Доган»; 1993й.и.ч, д/р 01/982YAA, бошланғич нархи 4 019 120 сўм бўлган «УАЗ-31512»; 1996й.и.ч, д/р 01/251ABA, бошланғич нархи 3 255 165 сўм бўлган «ВАЗ 2106»; Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Ўзбекистон ШОХ Кўчаси, 45-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш Академияси қошидаги Олий бизнес мактабининг 2001й.и.ч, д/р 10BD204, бошланғич нархи 13 000 000 сўм бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Аукцион савдолари соат 11:00да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18:00да тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камиди 20 фоиз миқдорда закалат пули «РОУТАХТ АУКСИОН» ДУКнинг АТББ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТРП 20439967, 2021000004243151002 ҳисоб-рақамга тўланади. Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади. Мақур автотранспорт воситалари юқориди белгиланган савдо куниди сотил-

маган тақдирда навабатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга қўйилади. Аукцион ўтказиладиган қўйидаги манзилдан қўшимча маълумотлар олиш мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй. Алоқа телефони: 233-23-49, факс: 233-23-40, электрон почта: P-A_DUK@mail.ru Шунингдек, ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, «Шароф Рашидов» номи маҳалла тасарруфидида, Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Бойқўрғон қўчаси, 11/1-уй манзилида жойлашган 4 қаватли бионинг 1-қаватидаги умумий майдони 57 кв.метрга тенг бўлган қисми 54 100 000 сўмга ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги автотранспорт корхонасининг д/р 10ТН251 бўлган «ГАЗ-3102» —

7 250 000 сўмга; «Асака» давлат акциядорлик тижорат банкнинг Юнусобод филиали балансидаги д/р 10AP583 бўлган «Нексия» — 5 150 000 сўмга; «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг «Тошкент почтамти» филиали балансидаги д/р 10AE482 бўлган «ВАЗ-21063» — 1 480 000 сўмга; д/р 10AE478 бўлган «Тико» — 3 325 000 сўмга; д/р 10ТН318 бўлган «ГАЗ-31029» — 1 080 000 сўмга ҳамда жами 11 та «Дамас» д/р 10AC992 — 3 500 000 сўмга; д/р 10AC981 — 3 700 000 сўмга; д/р 10AC980 — 4 320 000 сўмга; д/р 10AG456 — 3 960 000 сўмга; д/р 10AC983, 10AC990, — 3 350 000 сўмдан; д/р 10AC982, 10AC984, 10AC991, — 3 750 000 сўмдан; д/р 10AE459, 10AE463 — 4 350 000 сўмдан сотилганлигини маълум қилади.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига тақоран «O'zbekiston sanoat-qurilish banki» ОАТБ Бошқарувининг 16.08.2010 йилдаги 49/2-сонли қарорига асосан «O'zbekiston sanoat-qurilish banki» ОАТБ ҳузуридаги Амалйёт бошқармасига тегишли, Тошкент шаҳар Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй манзилда сақланаётган, «Супер салон» русумли, давлат рақами 10BE727 бўлган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 2 278 000 сўм. Аукцион савдоси 2011 йил 24 март куни соат 10:00да бўлиб ўтади. Юқориди автотранспорт воситаси 2011 йил 24 мартдаги аукцион савдосиди сотилмаган тақдирда, ушбу автотранспорт воситасининг тақорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 28 март куни соат 10:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларини қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади. Мақур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат қилишунга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг ОАКБ «Илак йўли банк» Савбон филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850.

Манзилмиз: Тошкент ш., Олмазор т., Қорақамчи 1-кўчаси, 1 А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz. Лицензия: ДВ 001 №000004.

● Санъат олами

Қашқадарё вилоят кўғирчоқ театри 1994 йилда ташкил топди. Дастлаб Муллатўйчи Тошмухаммедов номидаги вилоят мусиқали драма театрида, кейин «Темирийлчилар» маданият саройида, сўнгра Сайдо Насафий номидаги кутубхона биносида фаолият юритган мазкур театр жамоаси айни пайтда халқ таълими бошқармасига қарашли ўқувчилар ижодиёт марказида янги-янги асарларини мухлислар эътиборига ҳавола этмоқда.

Кўғирчоқ театрида нима гап?

Театр директори Тўрамурод Маллаев, бош режиссёр Дилмурод Сатторов, бош рассом Мирзохид Маматов, мусиқа раҳбари Ферхат Абибуллаев, Акмал Худоёров, Хуршид Ҳакимов, Дилфуза Аъзамова ва бошқа актёрлар меҳнати самараси ўлароқ жамоа нафақат республикада, балки халқаро миқёсда ўз обрўйига эришди. Қатор кўрик-танловларда юқори ўринларга лойиқ кўрилди. Жумладан, 2007 йилда Тожикистон Республикасида ўтган халқаро фестивалда мутахассислар томонидан эътироф этилди. 2009 йил декабр ойида Андижон шаҳрида ўтган ўзбек кўғирчоқ театрларининг аънаванавий VIII кўрик-фестивалида иккинчи ўринни эгаллади. Танлов якунида актриса Дилфуза Аъзамова мутасаддилар томонидан «Йилнинг энг яхши аёл актрисаси» номинациясида ғолиб деб топилди.



Лаларга олам-олам завқ улашди. Кичик ёшли томошабинларга юртимиздаги байрам саналарининг аҳамиятини аниқлаштириш учун махсус театрлаштирилган томошалар тақдим этиб келинмоқда. Томошалар воҳанинг туман ва кишлоқларида, мактаб ва МТМларда, болалар оромгоҳларида намойиш этилди. Қарши, Қамойиш, Муборак, Ғузур, Шахрисабз, Яқкабоб,

Косон туманларида кўйилган томошалар бунга яққол мисол бўла олади. Ҳар бир томоша орқали болажонларнинг мурғак қалбида Ватанга муҳаббат, табиатга меҳр, катталарга ҳурмат ва эзгу хусусиятлар шаклланиб боради. — Театр жамоаси 2011 йилда ўз мухлисларига қандай спектакллари тўхфа этмоқчи? — мушоахат эдик театр директори

Тўрамурод Маллаевга.

— Яқинда «Ўзбектеатр» ижодий бирлашмасида ўтказилган йилги таълим ва маданият бўлими раҳбарлари, фолклор намуналари ифодаланган янги спектакллар тайёрлаш, буюқ тарихий сиймолар, халқ қаҳрамонлари ҳақидаги томошаларни кўпайтириш, шунингдек, ўсиб келаётган авлодга намуна бўладиган замона қаҳрамони қиёфасини яратиш вазифаси олдимизга қўйилди. Айни пайтда «Абдулла қувноқ хангомалари» мусиқали эртақ томошаси, «Ўзбек халқ эртақларидан «Олмос ботир», Сиддиқ Жўра асари асосида сахналаштирилган «Али ва Шерхон», ғараз-ўйларга нафрат туйғусини кучайтирадиган «Сунмас оташ» эртақ-томошалари устида иш олиб бораётибиз. Бу каби хайрли ишларимиз билан жамжи мухлисларни хурсанд қиламиз, деган умиддамиз. — Шаҳар кўчаларида вилоят кўғирчоқ театри спектакллари ҳақидаги афишаларга кўзимиз тушмайди. Театр атрофида эълон ёки афишалар ўрнатиш орқали мухлисларни янада кўпроқ жалб қилиш мумкин...

— Тўғри айтдингиз. Кўғирчоқ театри ақинида йирек реклама тахталари осмаганми. Чунки вилоят кўғирчоқ театри ўз биносига эга эмас. Ижара асосида фойдаланаётган биномизда таъмирлаш ишларини олиб бориш, атрофини ободонлаштириш, замон талабларига мос равишда турли реклама тахталари ўрнатишга шўшимаётибиз. Чунки биноминг ўз балансида эмаслиги бизни тўхтапти турибди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

● Авлодлар сабоғи

Тарихий шахслар сиймосини яратишда маҳоратнинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун чуқур билим, кенг дунёқараш ва қаҳрамон ҳақидаги маълумотлардан тўла хабардор бўлиш талаб этилади. Атоқли ўзбек мусаввири Малик Набиев ана шундай теран тафаккурга эга ижодкор эди.



Мангуликка дахлдор асарлар

Расомнинг «Спитамен», «Беруний портрети», соҳибқирон Амир Темурнинг ўсмирлик давридан бошлаб кексалик ёшидаги қиёфасига акс эттирилган кўпобрали тарихий композициялари, Бобур, Фитрат, Усмон Носир ва бошқа аждодларимиз сиймоси тасвирланган суратлари ана шундай тинимсиз изланишлар самарасидир. М.Набиевни меҳнаткаш, самимий ва атрофдагиларга яхшилик соғинадиган инсон сифатида билишарди. У киши одамлар билан суҳбатлашни ёқтирар, кўлидан келганча ёшлардан ёрдамни аямасди. Ҳовлиси доимо ижодкор мухлислар билан ғажум бўларди. Академик Алишер Мирзаев, педагогика фанлар доктори, профессор Саидхон Пулатов, профессор Ғафур Абдураҳмонов ва бошқа кўплаб шогирдларининг шаклланишида худди шу ижодий муҳит катта ўрин тутган. Қаврга борсанг, бу табаррук инсоннинг таълимини олган, беминнат кўмагидан баҳраманд бўлган кишиларни учратиш мумкин. Устоз мусаввирнинг ўғли Ҳусан Набиев шундай хотирлайди: — Узоқ йиллар олдин отам ишлаб чиқарган олий ўқув юртининг биносига кучли ёнғин қиқиб, катта талофат кўрилганди. Ҳайрон қоларли жиҳати, атрофдаги хоналарнинг ҳаммаси ёниб қолган. Жуда кўплаб санъат асарлари жой эгаллаган бадий графика хонасига ҳеч қандай зиён етмаган эди. Шогирдлари бу ҳодисани Оллоҳнинг мўъжизаси деб эслашади.

Тошкентнинг маҳаллаларидан бирида оддий қосиб оиласида воғая етган Малик Набиев ёшлигидан санъатга меҳр қўйди. Мақсади йўлида кучли интилиш туфайли рассомлиқни эгаллади. Ижодни педагогика билан бирга олиб борди. 1937 йили П.Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртида фаолият бошлади. 1958 йилдан умрининг охирига қадар эса Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетидеда иқтидорли ёшларнинг бир неча авлодини тасвирий санъат сир-асрори билан яқиндан таништирди. Рассомнинг тарихий шахслар ва фидойи замондошлар акс эттирилган асарлари жамоатчилик томонидан эътироф этилди. «Спитамен», «Беруний портрети», «Тамара Хоним», «Чўпон», «Шифокор Маҳмудова портрети», «Қурвчи» каби картиналар шулар жумласидандир.

Малик Набиев ижоди, айниқса, мустақиллик йилларида ривож топди. Бобур, Фитрат, Усмон Носир каби ўзбек халқининг буюқ ижодкорлари суратларини ўзинга хос тарзда яратди. 1994 йили буюқ бобоқалонимиз, соҳибқирон Амир Темурнинг М.Набиев томонидан яратилган портрети мамлакатимиз маданий ҳаётида катта ҳодиса бўлди. Ушбу асар буюқ саркарда ва давлат арбоби образи эталони, деб тан олинди. М.Набиев бошқа рассомларнинг буюқ асарлари сақланадиган меъморий обидалар, музей ва кўрғазма залларини ўз кўзи билан кўриш учун Европа, Осиё ва Америка қитъасининг 40 дан ортиқ мамлакатларида бўлган. Жаҳон санъатининг турли йўналишларини пухта ўзлаштирганга қарамай, рассом реализм аъналарига содиқ қолди. Ҳиндистон, Куба, Шри-Ланка, Индонезия саёхатларидан олган таассуротлари асосида яратилган этюдлар ва тугал асарлари шундан далolat беради. Ижодкор 2000 йилда давлатимиз томонидан «Буюқ хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

Ўзбекистон халқ рассоми, академик, профессор, қатор давлат мукофотлари соҳибига Малик Набиев (1916-2008) таваллудига 95 йил тўлди. Шу муносабат билан яқинда пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида хотира кечаси бўлиб ўтди. Унда таниқли рассомнинг ибратли ҳаёти ва сермасхул ижодий мероси ҳақида атрофлича сўз борди. Шунингдек, атоқли арбобнинг ҳаёти ва босиб ўтган йўли ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм намойиш этилди. Ушбу санага бағишлаб «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамағармаси ва «Ijob» рассомлар, санъатшўнос ва халқ усталари уюшмаси ташкил этган «Авлодлар» деб номланган кўрғазма айни кунларда ҳам давом этмоқда. Экспозициядан жой эгаллаган Малик Набиев, ўғли Ҳусан Набиев ва набираси Анварнинг ижод намуналари санъат мухлисларида катта таассурот қолдираётти. — Бобом ва дадамдан олган сабоқларим бугунги кунда менга ёрдам бермоқда, — дейди Анвар Набиев. — Ҳозирда ижод билан кизгин шўғулланиб, Малик Набиевнинг авлоди деган шарафли номга муносиб бўлишга ҳаракат қилаёман.

Комила БОЙМУРОДОВА, «Ishonch» мухбири

● Эътироф

Ўзбек борки, фарзандини ўқинишли, касб-хунарли қилиш мақсадида яшайди. Бола туғилиши билан турли режалар тузайди: «Фалон мактабга бераман. Фалончи муаллимдан тил ўрганади...»

Билими зўр мингги йиқар

Булар ҳаммаси яхши. Аммо шундай ота-оналар борки, фарзандини касб-хунари қилишдек эзгу мақсадга эгри йўллар билан етишга ҳаракат қилишади. Бир замонлар «шпаргалка» деган нарса бўлар эди. Болалар ёдлашга улгурмаган нарсаларини қозоғга майдалаб ёзиб, у ер-бу ерларига яшириб, имтиҳонга олиб киришар эди. «Шпаргалка»лар кўлга тушиб қолишса, муаллимларимиз илм ўргангани борган икки ўртоқнинг бири бир қоп китоб билан, иккинчиси тафаккурига жойланган илм билан қайтаётганда, селга дуч келиб, китоблар оқиб кетиб, бири ҳеч нарсасиз қолганлиги ҳақидаги ривоятни бот-бот айтиб беришарди.

Замон тараққий этгани сари суйадиган «эгри го»лар ҳам, «шпаргалка»лар ҳам тақомиллашиб бормоқда. Дейлик, «икс вариант», қўл телефонлари... Утган йилларда улардан фойдаланиб, жуда юқори миқдорда балл тўлаб, грант асосида ўқишга кирганлар ҳам борлиги ҳеч кимга сир эмас. ...Бу йил Термиз Давлат университетида тест айна талаб даражасида ўтказилди.

Хуллас, ҳамма хурсанд, фақат университет остонасидан қўл телефони, «икс вариант» билан қўлга тушган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва «ҳомий»ларидан ташқари... Фақат ўз билимига суяниб, ҳақ ва ҳалолликка ишониб тест синовида кирган абитуриентларнинг эришган натижалари ҳам жуда қувонарли эмас эди, чунки кириш бали паст бўлди. Барибир яхши, талабалар сафи «уйқайман, илм ўрганаман», деган ёшлар билан кенгайди. Аммо шунинг унутмаслик кераки, ўтган йилги тест синови натижалари ҳам қайсидир маънода кўпчилигимиз учун бир сабоқ бўлди.

«Билими зўр бирни йиқар, билими зўр мингни», дейишади. Президентимиз ёшларга катта ишонч билдириб, уларга бекис эътибор кўрсатмоқда. Ҳар бир йигит-қиз шу ғамхўрликка муносиб қадам ташламоғи лозим.

Жамила ЭРҒАШЕВА, ёзувчи

Ҳаврийз чечаклари



Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган сурат

● Бу ажиб дунё



Неча асрларки, табиатнинг инсон онги англаб етолмайдиган сир-синоатлари бисёр эканлигидан ҳайратга тушамиз. Уларни тушуниш, тағига етишга қанчалик уринмайлик, барибир жумбоқ жумбоқлигича қолаверади. Мен эшитган бу ҳикоя эса барчани ҳайрон қолдириши табиий. Унда инсон ҳаёти эмас, балки биз ардоқлайдиган беозор қалдирғочнинг бошидан

ҚАЛДИРҒОЧ ҚИСМАТИ

кечирганлари баён қилинади. Омоний момонинг хонадонига қалдирғоч кўп йиллардан бери ин қуриб, шу ерда полапонларини учирма қиларди. Аммо бундан икки йил бурун нар қалдирғоч болаларини мушукдан ҳимоя қиламан, деб ҳалок бўлди. Шу йили модаси минг азоб билан полапонларини катта қилиб, учиб кетди. Келгуси йили мода қалдирғоч бир ўзи учиб келиб, уясидан кўним топди. Қалдирғочнинг садоқати момони ҳайратга соларди. Қалдирғоч бутун мавсум бир ўзи яшаб, куз келиши билан иссиқ юртларга ёлғиз учиб кетди. Бу йили ҳам у яна бир ўзи учиб келди. Аммо инини янги жуфтлик эгаллашга уриниб, кўп талашди. Мода қалдирғоч ёлғиз бўлса-да, уясини ҳимоя қилишга уринди. Барибир зўравон жуфтлик ғолиб келди. Ёлғиз қалдирғоч ўзини уй ичидеда бошқа ин қурди. Шу ерда туҳум қўйди. Нар қалдирғоч эса энди икки томонга югур-югурни бошлади. То-моша полапонлар туҳумдан чиққандан кейин бошланди. Энди мода қалдирғоч хонадаги қўшинининг кўзини очирмай қўйди. Нуқул келиб унинг уясига, полапонларига таҳдид сола бошлади. Она ўз полапонларини имкон борича ҳимоя қилишга уринар, рақибасини уларга яқинлаштирмасди. «Авайлаган кўзга чўп тушади», деганларидек, бир кун она қалдирғоч узокроққа учиб кетиб, бироз ҳаяллан қолади. Бундай вазиятни кўндан бери пойлаб юрган жанжалкаш қалдирғоч учун бу айни муддао эди. У шахд билан уйга учиб кириб

уяди полапонларни ерга қанотлари билан уриб туширади. Кейин нар қалдирғоч билан инни вайронга айлантиришади. Полапонларни ҳам сақлаб қолишининг иложи йўқ эди. Жаҳолат кўзини кўр қилган қалдирғоч уларни чўқиб ташлагани туфайли ҳалок бўлишганди. Она қалдирғоч болаларига емиш олиб келиб, уясининг вайрон бўлганлигини кўриб, фўғони фалакни туғди. Жуфтнинг вафотини матонат билан енган қалдирғоч, жигаргўшаларининг ўлиб ётганини кўриб, алам билан чирқиллаб қолди. Шундан кейингина бағри қон қуш қадрдон уйдан кетишга мажбур бўлди. Полапонларисиз ҳувиллаб қолган вайрона инда яшаб қолишдан маъно йўқ эди...

Насиба ИСМАТОВА

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг Хоразм вилояти бўйича Вакилиги жамоаси вилоят ички ишлар бошқармаси қўриқлаш бошқармаси касба уюшма кўмитаси раиси Бекбергян Рўзметовга уяси

Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши жамоаси Пастдарғом туман тармоқ касба уюшмаси кенгаши бош ҳисобчиси Майсара Очиловага уяси

Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши жамоаси «Жумла» пахтазавази АЖ касба уюшма кўмитаси раиси Мавлон Ғаффоровга акиси

Тошкент давлат техника университети Энергетика факултети «Электро-техника, электромеханика ва электро-технологиялари» кафедраси жамоаси кафедра профессори, техника фанлари доктори Нурали Пирматовга уяси

«Ishonch» газетасининг 2011 йил 1 март сонидеда берилган «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЕАЖнинг эълони туртинчи хат бошидаги «2011 йил 28 март» жумласи «2011 йил 31 март» деб тузатиб ўқилсин.

Advertisement for 'Ishonch' newspaper, listing contact information, subscription rates, and office details. Includes phone numbers for various cities like Andijon, Buxoro, Jizzax, Navoiy, Namangan, Samarqand, Surxondaryo, and Farg'ona. Also lists the newspaper's address in Tashkent and its website.